

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА ҲУЛКАР МЎМИНЖОНОВА

АБУ МАНСУР САОЛИБИЙНИНГ «КАНЗУ-Л-КУТТАБ»
ТАЗКИРАСИ ВА УНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК:801.8
КБК:83.3(5)
С-96

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Сулаймонова Хулкар Мўминжоновна

Абу Мансур Саолибийнинг «Канзу-л-куттаб» тазкираси ва унинг
манбашунослик тадқиқи 3

Сулаймонова Хулкар Муминжоновна

Антология Абу Мансур Саалиби «Канзу-ль-куттаб» и ее
источниковедческое исследование 21

Sulaymonova Hulkar Muminjonovna

Anthology «Kanzu-l-kuttab» by Abu Mansur Saalibi and its source
criticism research..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА ҲУЛҚАР МЎМИНЖОНОВА

**АБУ МАНСУР САОЛИБИЙНИНГ «КАНЗУ-Л-КУТТАБ»
ТАЗКИРАСИ ВА УНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3-4.PhD/Fil.352 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаева Раъно Умаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Носирова Малика Анваровна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____ 2020 йил соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Қ.Ш. Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳон илм-фанида кўҳна Шарқ цивилизациясининг умуминсоний кадриятлари, бебаҳо маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш долзарб аҳамият касб этаётгани айтиш ҳақиқатдир. Шу сабабдан, жаҳон бўйлаб шарқшуносликнинг етакчи мактабларида қадимий шарқ кўлөзма манбаларини ҳар жиҳатдан кенг ўрганиш, нашр этиш ва илмий муомалага киритиш изчил давом этмоқда. Зеро, маънавийтимизнинг янада юксалишида мусулмон шарқида яратилган қадимги адабий-маданий обидаларнинг ўрни бекиёсдир.

Дунё матншунослик ва адабий манбашунослик илмида араб тилида ёзилган кўлөзма манбаларни алоҳида ва комплекс тарзда тадқиқ этиш соҳанинг устивор йўналишларидан бўлиб, ҳамisha долзарб ҳисобланган. Чунончи, арабий кўлөзмаларнинг каталогларини тузиш, монографик тавсифи ва илмий матнларини яратиш, уларни тарихий-филологик нуқтаи назардан ўрганиш ва нашр этиш мумтоз адабий меросни асраб қолишнинг муҳим омилидир. Айниқса, адабий тазкираларни тадқиқ этиш муайян адабиёт тарихи, ўтмиш ижодкорлари хусусида қимматли маълумотларни тақдим этиши билан аҳамиятли саналади.

«Ўзбекистонда асрлар давомида Марказий Осиё бўйича энг бой кўлөзма мерос жамланган бўлиб, унинг салмоқли қисми Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Ҳар бири улкан маънавий обида, маданият дурдонаси бўлган бу кўлөзмалар фонди жаҳон миқёсида бекиёс аҳамиятга эга бўлган бебаҳо хазинадир»¹. Дарҳақиқат, мазкур кўлөзмалар фондидаги араб, форс, туркий тилларда битилган кўлөзмаларни тадқиқ этиш ўзбек шарқшунослигининг долзарб вазифаларидан бўлиб келмоқда. Шу маънода, Абу Мансур Саолибий² (961-1038)нинг Шарқшунослик институти кўлөзмалар фондида сақланаётган «Канзу-л-кутуб» (Котиблар хазинаси) асарини адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурати борлигини таъкидлаш жоиз. Бугунга қадар шарқшунослар нигоҳидан четда бўлиб келаётган мазкур асар араб мумтоз адабиёти ҳамда Мовароуннаҳрда араб тилида яратилган шеърятнинг муҳим манбаларидан бири сифатида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сонли қарори. «Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» //Халқ сўзи, – 2017. – 25 май.

² Араб тили қоидаларига кўра «تعاليب» сўзи ўзбекча транскрипцияда «саъалиб» тарзида ёзилиши керак, ammo мазкур диссертацияда биздан аввалги тадқиқотларда, хусусан, саолибийшунос И.Абдуллаевнинг барча илмий ишларида Саолибий тарзида ёзилгани ва ўзбек ўқувчиларига олим ана шу ном билан таниш бўлгани сабабидан Саолибий тарзида кўлладик.

Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 700-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш Маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиёти тарихида Саолибий ва унинг адабий фаолиятига бағишланган тадқиқотларни уч босқичга бўлиш мумкин:

1-босқич: Саолибий замонасидан XIX асргача бўлган давр;

2-босқич: XIX-XX асрда саолибийшунослик;

3-босқич: XXI асрда Саолибий фаолияти ҳақидаги янги тадқиқотлар.

Саолибий ижодига қизиқиш ва эътибор ўз замонасидаёқ бошланган бўлиб, кўплаб замондош ижодкорлар унинг номини фахр билан тилга олган. Абу Наср Утбий (961-1036) «Тариху-л-Йаминий» номли асарида бир неча бор Саолибий ижодига мурожаат қилган. Саолибийнинг яқин дўсти бўлган бу олим замондошлари орасида биринчи бўлиб Саолибий ижодини ўрганишга киришган ва шеърларидан кўплаб намуналарни ўз асарида келтирган. Саолибийдан бироз кейин яшаган Абул Ҳасан Али ал-Бохарзий (вафоти 1074) ўзининг «Думйату-л-қаср» (Қаср тасвири) асарида унинг таржимаи ҳолини келтириб, шеърларидан парчалар берган. Бохарзий Саолибийни Нишопурдан чиққан ал-Жаҳиз³, деб атайди. Саолибийнинг яна бир замондоши машҳур тарихчи Абу-л-Файз Байҳақий (995-1078) ўзининг «Тарихи Масъудий» китобида Саолибий Хоразмда бир неча вақт яшаб хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) суҳбатида бўлгани ҳамда унга атаб асар ёзгани ҳақида маълумот берган⁴.

Саолибий замонасидан XIX асргача яратилган манбаларда асосан адибнинг шаънига олқиш ва мактовлар, китобларидан шеърий иқтибослар келтирилган бўлиб, уларда илмий-танқидий фикрлар деярли кузатилмайди.

Саолибий асарларини адабиётшунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш XIX асрдан бошланди. Бу даврда рус шарқшуносларидан А.Е.Крымский (1871-1942), И.Ю.Крачковский (1883-1951), Е.Э.Бертельс

³ Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жаҳиз (вафоти 869 й.) – машҳур араб адиби.

⁴ Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 12.

(1890-1957), В.В.Бартольд (1869-1930), немис арабшунослари Густав Флюгель (1802-1870), Ф.Дитерици (1821-1903), француз шарқшунослари Барбье де Менар (1826-1908), Х.Зотенберг (1836-1914), чех шарқшуноси Р.Дворжак (1860-1920), инглиз олимлари Ренальд Никольсон (1868-1945), Эдуард Браун (1862-1926), Клемент Хюарт (1854-1926) каби жуда кўплаб Ғарб олимлари ўзларининг араб адабиёти, форс-тожик адабиёти тарихи, шунингдек, маълум бир шоир ёки адиб ижодига бағишланган тадқиқотларида Саолибий асарларига, хусусан, «Йатимату-д-даҳр» ҳамда унинг давоми бўлган «Татиммату-л-Йатима»га мурожаат қилиб, улардан кўплаб иқтибослар келтирганлар, Саолибийнинг баъзи асарларини ўз она тилларига таржима қилиб, изоҳ ва кўрсаткичлари билан нашр этганлар⁵.

Ўзбекистонда Абу Мансур Саолибий ижодини илмий тадқиқ этиш ишлари ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу мавзуга биринчилардан бўлиб қўл урган олим Исматулла Абдуллаев Саолибийнинг бир неча асарларини ўзбек тилига ўгириб, таҳлил ва тадқиқ қилган⁶.

ХХ асрнинг 90-йилларида ўзбек олими Акрам Ҳабибуллаев⁷ ҳамда бангладешлик олим Муҳаммад Абу Бакр Сиддиқ⁸ томонидан Саолибий ижоди бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

XXI аср саолибийшунослигида Байрутдаги Америка университети профессори Билал Орфалийнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади. Араб адабиётида тазкирачилик ҳамда Саолибий тазкиралари ҳақида илк тадқиқотларини 2003 йилдан бошлаган Б.Орфалий айна пайтга қадар мавзуга оид ўнлаб илмий мақолалар, монографиялар нашр этди⁹.

Шунингдек, америкалик машхур шарқшунос Эверетт Роусон¹⁰нинг Саолибий илмий меросига бағишланган тадқиқотлари асримиз саолибийшунослигида ўзига хос ўринга эгадир.

⁵ Бу ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. (4-қисм) Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. – Т.: Фан, 1976. – Б. 36-41.

⁶ Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-даҳр. (4-қисм) Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент, Фан, 1976., Абу Мансур ас-Саолибий. Татиммат ал-Йатима. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. Фан, 1990., Абу Мансур ас-Саолибий. Китоб латоиф ал-маориф. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. Фан, 1987., Абу Мансур ас-Саолибий. Ажойиб маълумотлар. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи И.Абдуллаев. Тошкент. Халқ мероси, 1995., И.Абдуллаев. Бухоронинг арабийнавис шоирлари. Тошкент. Фан, 1965., И.Абдуллаев. Абу Мансур ас-Саолибий. Тошкент. Ўзбекистон, 1972й. қайта нашри 1992., И.Абдуллаев. Берунийга замондош шоирлар. Тошкент, Фан, 1975., И.Абдуллаев. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X – начала XI в. Тошкент, Фан, 1984.

⁷ Хабибуллаев А.Т. Антология «Ал-и'джаз ва-л-иджаз» Ас-Саалиби как литературный памятник (Исследование, перевод, историко-филологический комментарий) автореферат дисс. ... кандидата филологических наук., – Ташкент, 1994.

⁸ M. Abū Baker Ṣiddīque. A Critical Study of Abū Maṣṣūr al-Tha'ālibī's Contribution to Arabic Literature. Dhaka, Bangladesh: Sultana Prokashoni, 1991.

⁹ Орфалий Билал. الشفاہی والمکتوب: دراسة في مصادر الثعالبي (2014), «The Sources of al-Tha'ālibī in Yatīmat al-Dahr and Tatimmat al-Yatīma» (2013), «A Sketch Map of Arabic Poetry Anthologies» (2012), «The Works of Abū Maṣṣūr al-Tha'ālibī» (2009), «An Addendum to the Dīwān of Abū Maṣṣūr al-Ta'ālibī» ҳамда «The Art of the Muqaddima in the Works of Abū Maṣṣūr al-Tha'ālibī» каби йирик ҳажмдаги мақолаларини нуфузли илмий журналларда эълон қилди. Б.Орфалий 2009 йилда «The art of Anthology al-Tha'ālibī and his Yatīmat al-Dahr» мавзусида PhD диссертациясини ҳимоя қилди (Йел университети, АҚШ). 2016 йилда «Йатимат ад-даҳр» ва «Татиммат ал-йатима» тазкиралари ҳақида «The Anthologist's Art» (Антология тузувчининг санъати) номли йирик монографик асарини эълон қилди.

¹⁰ Rowson, E.K., «al-Tha'ālibī», in: Encyclopaedia of Islam, Second Edition, Edited by: P. Bearman, Th. Bianquis, C.E. Bosworth, E. van Donzel, W.P. Heinrichs. Consulted online on 02 August 2017.

Мазкур диссертациянинг тадқиқот объекти бўлган Саолибийнинг «Канзу-л-куттаб» тазкираси 1901 йилда араб олими Аҳмад Абу Али томонидан «Ал-Мунтаҳал» (Кўчирилган) номи билан тошбосма ҳолда нашр этилган¹¹. Тошбосмада ношир томонидан қисқача сўз боши (3 бет) ва асосий матндан сўнг асарда исми келтирилган шоирлар ҳақида мухтасар маълумотлар тақдим этилган. Аммо шарқшуносликда «Канзу-л-куттаб» тазкираси хусусида ҳанузгача бирор тадқиқот амалга оширилган эмас. Мазкур диссертацияда ушбу тазкира адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, ўзбек арабшунослигида биринчи марта илмий муомалага олиб кирилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ таржимашунослигининг назарий ва амалий масалалари», «Адабий манбашунослик, матншунослик: шарқ қўлёзмаларини ўрганиш масалалари» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Мансур Саолибийнинг «Канзу-л-куттаб» тазкираси қўлёзмаларини ўрганиш, қўлёзмаларнинг турли давлатларда сақланаётган нусхалари ва нашрларини топиб, уларни ўзаро қиёслаш орқали тазкиранинг йиғма-қиёсий матнини тузиш принципларини ишлаб чиқиш, шунингдек, тазкирани адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Араб адабиётида тазкира жанрининг турларини тадқиқ ва тасниф этиш;

Саолибийнинг араб тазкирачилигидаги ўрнини ёритиш, новаторлик изланишлари ва услубий хусусиятларини аниқлаш;

«Канзу-л-куттаб» тазкираси қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг илмий тавсифини амалга ошириш;

«Канзу-л-куттаб» тазкираси матний тадқиқи тамойилларини ишлаб чиқиш;

«Канзу-л-куттаб» тазкирасидаги мовароуннаҳрлик адиблар ижодини ёритиш;

«Канзу-л-куттаб» тазкирасининг поэтик хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган «Канзу-л-куттаб» тазкираси қўлёзмаси (Инвентарь № 1848 (II), айти шу асарнинг Австрия миллий кутубхонаси фондидаги қўлёзмаси (код: N. F. 43) ва Франция миллий кутубхонасидаги қўлёзма нусхаси (код: Arabe 3307) ҳамда асарнинг 1901 йил Мисрда «Ал-Мунтаҳал» (Кўчирилган) номи билан нашр этилган тошбосма нусхалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мумтоз араб адабиёти манбалари, жумладан, Саолибийнинг адабий тазкиралари белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, комплекс таҳлил, қиёсий-тарихий ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

¹¹المنتحل. الامام أبي منصور. (نظر فيه و صحح و ايته و ترجم شعراء و شرح الفاظه اللغوية الضعيف) أحمد ابو علي. الاسكندرية، المطبعة التجارية. 1901م.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Абу Мансур Саолибийнинг араб адабиётида дастлабки биографик ҳамда поэтик тазкиралар муаллифи экани исботланган ҳамда тазкира тузишда замон, макон ва мавзу омилларини янгилик сифатида татбиқ этгани далилланган;

«Канзу-л-куттаб» тазкирасидаги шеърӣ парчаларнинг насиб, фахр, мадх, васф, ҳикма каби жанрий ранг-баранглиги ёритилган ва уларда қўлланган ташбеҳ, истиора, тажнис, ташҳис каби бадий санъатлар аниқланган;

«Канзу-л-куттаб» тазкирасидаги Абу Бакр Хоразмӣ, Абул Ҳасан Матронӣ, Шошӣ Амирий, Лаҳҳом Ҳарронӣ каби мовароуннаҳрлик шоирлар ва адиблар ижодидан намуналар илк бор илмӣ муомалага киритилган;

араб адабиёт тарихи, назарияси, хусусан, араб адабиётшунослигида тазкира ва эпистоляр жанрларнинг генезиси ва тадрижий такомилени ўрганишда Саолибий тазкиралари муҳим илмӣ ва амалӣ аҳамият касб этиши асосланган;

«Канзу-л-куттаб»нинг Тошкент, Вена, Париж қўлёзмалари ҳамда Искандария тошбосмаси илмӣ тавсифланиб, матнлари чоғиштирилган ҳолда йиғма-қиёсий матн тузиш принциплари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалӣ натижалари куйидагилардан иборат:

«Канзу-л-куттаб» тазкирасининг ҳанузгача шарқ ва ғарб тадқиқотчилари эътиборидан четда бўлган Австрия ҳамда Франция миллий кутубхоналари фондидаги қўлёзмалари ва Искандария шаҳрида «Ал-Мунтаҳал» номи билан нашр этилган тошбосма нусхасининг электрон шакли олиниб, илк марта мазкур ишга тадқиқот объекти сифатида жалб этилган, шунингдек, мазкур манбаларнинг монографик илмӣ тавсифи амалга оширилган;

ишда «Канзу-л-куттаб» тазкирасида адабий меросидан намуналар келтирилган ўзи араб бўлмаган, бироқ араб тилида ижод қилган кўплаб шоир ва адиблар ҳақида янги маълумотлар тақдим этилган. Хусусан, Абу Бакр Хоразмӣ, тошкентлик шоирлар Исмоил Шошӣ Амирий, Абул Ҳасан Матронӣнинг ҳозирча бошқа манбаларда учрамаган шеърлари таржима ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишонччилигини Абу Мансур Саолибий «Канзу-л-куттаб» асарининг Абу Райҳон Берунӣ номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган «Канзу-л-куттаб» тазкираси қўлёзмаси (Инвентарь № 1848 (II), айни шу асарнинг Австрия миллий кутубхонаси фондидаги қўлёзмаси (код: N. F. 43) ва Франция миллий кутубхонасидаги қўлёзма нусхаси (код: Arabe 3307) ҳамда асарнинг 1901 йил Мисрда «Ал-Мунтаҳал» (Кўчирилган) номи билан нашр этилган тошбосма нусхаларининг ишга жалб қилингани тасдиқлайди. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишонччилигини тадқиқот йўналиши ва илмӣ изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалӣ аҳамияти.

Диссертациянинг илмӣ аҳамияти ундаги илмӣ хулосалар ва назарӣ умумлашмалар адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмӣ-тадқиқот ишлари олиб боришда, мумтоз араб адабиёти тарихи ва жанрлар

типологиясини ўрганишда, мовароуннаҳрлик арабийнавис шоирлар ижодини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти араб мумтоз адабиёти тарихи бўйича илмий тадқиқотлар яратиш, монографиялар, олий ўқув юрти талабалари, лицей ва мактаб ўқувчилари учун дарслик, ўқув қўлланмалар ёзишда ишнинг илмий материаллари, назарий хулосалари ҳамда фактик маълумотларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Мансур Саолибийнинг «Канзу-л-кутуб» тазкираси ва унинг манбашунослик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нишопурлик аллома Абу Мансур Саолибий ва унинг таржимаи ҳоли, илмий-адабий мероси, олимнинг мумтоз араб адабиёти ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистонда саолибийшуносликнинг ривожланиши ҳақидаги натижалардан Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган илмий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонасининг 2020 йил 10 февралдаги 8813-23-сон маълумотномаси). Натижада Саолибийнинг асли эронлик арабийнавис адиб эканлиги исботланган, илмий меросига оид янги маълумотлар жамоатчиликка тақдим этилган;

диссертациянинг китобат санъати, унинг назарий ва амалий масалалари, девонхона котиблари учун ёзилган асарлар, араб адабиётида шаклланган расмий-идоравий услуб жанрлари ҳамда ахборот асрида эпистоляр адабиётнинг ўрни ҳақидаги илмий натижаларидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Халқ ижодиёти факультети илмий семинар тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги 01-12-14-2222-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётга жорий этилиши талаба ёшларга шарқ, хусусан араб маданиятининг соҳага оид муҳим жиҳатларини очиб бериш билан бирга «Кутубхона ва ахборот фаолияти» таълим йўналишининг маъруза ва семинар машғулотида фойдаланиш учун янги назарий маълумотларни тақдим этган;

диссертациядаги Абу Мансур Саолибий ва унинг илмий меросида Марказий Осиёнинг X-XI асрлардаги илмий, адабий, маданий ҳаётига оид далиллар, мовароуннаҳрлик арабийнавис ижодкорлар, Бухоро, Хоразм каби илм масканларидан етишиб чиққан шоир ва адиблар ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарриятининг «Таълим ва тараққиёт», «Бедорлик», «Адабий жараён» радиоэшиттиришларининг 2019 йил июнь-июль ойларидаги дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 19 августдаги O'z\B-1-155-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши шарқ адабиёти ихлосмандлари, шеърият мухлислари бўлган радиотингловчилар учун янги, асосланган маълумотларни тақдим этиши билан бирга, уларда ватанпарварлик, илмсеварлик, миллий маънавий меросимиздан фахрланиш туйғуларини янада юксалтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 15 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналда, шунингдек, 24 та мақола ва тезислар илмий тўпламларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 130 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Араб тазкиранавислиги ривожда Абу Мансур Саолибийнинг ўрни**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фасл «Араб адабиётида тазкиранависликнинг шаклланиши ва тарихий такомилли» деб номланиб, унда араб мумтоз адабиётида тазкира жанрининг вужудга келиши, дастлабки тазкира муаллифлари, тазкираларнинг турлари хусусида сўз боради.

Тазкира¹² сўзи гарчи араб тилидан олинган бўлса-да, араб адабиётида бу жанрдаги асарларни *مُقْتَضَفَات* – муқтатафаат, *مُخْتَارَات* – мухтараат деб аталади. Шунингдек, ўзбек адабиётида шеърий ва насрий асарларнинг жамланмалари «сайланма», «антология», «баёз», «альманах», «девон», «тазкира» деб аталгани сингари арабларда ҳам мазмунан шу атамаларга тенг келувчи «ихтияр», «диван», «мажмуъ», «мухтараат шиъриййа», «мунтахаб» каби атамалар мавжуд. Шарқ адабиётидаги тазкиралар ҳам моҳиятан антологияга яқин туришини¹³ ҳисобга олган ҳолда мазкур тадқиқотда тазкира ва антологияни тенг маънога эга атамалар сифатида ишлатдик.

Араб адабиётида шеърий асарларни жамлаш аънанаси анча аввалдан бошланган эди. Бу тўпламларнинг дастлабки намунаси сифатида ровий Ҳаммад (694-772)нинг «ал-Муаллақаат», Муфаддал ад-Даббий(ваф.784)нинг «ал-Муфаддалиёт», ал-Асмайй(ваф.828)нинг «ал-Асмаийёт» асарларини эсга олиш кифоя. Адиблар орасида бу аънана жуда тез ривожлана бошлади, натижада, ўзида бир неча ижодкорларнинг асарларидан парчаларни жамлаган адабий

¹² تنكرة – арабча «ذكر» – эсламоқ, ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ, хотирламоқ феъли ўзагидан ясалган бўлиб, билдиришинома, хабарнома, ўғит, панд-насихат, чипта, билет, карточка маъноларини англатади. «Ан-наим» арабча-ўзбекча луғат. – Т.:Халқ мероси, 2003. – Б.284.

¹³ Куронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akadernashr, 2010. – Б.33.

тўпламлар тузилди. Айнан мана шу тўпламлар кейинчалик тазкира жанрининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Араб адабиётида адабий тазкира тушунчаси замирида тузувчи – муаллиф муайян мақсадни ўз олдига қўйган ҳолда, аниқ бир танлов тамойилларига асосланиб, бадиий парчаларни (у хоҳ шеърӣ, хоҳ насрий бўлсин) жамлашга қаратилган меҳнати маҳсули назарда тутилади. Тазкирада ҳар бир бадиёт намунаси уларнинг тарихий, сиёсий ва ижтимоий аҳамиятидан қатъи назар юксак баҳоланади, яъни унга, энг аввало, адабий асар сифатида қаралади. Табиийки, антология тузувчиларнинг мавзу танлашдан мақсади, асарининг тузилиши, танлов тамойиллари бир-биридан фарқ қилади. Лекин умумий ғоя энг сара адабий асарлар ва нотиклик санъати намуналарини йиғишдан иборат бўлган. Бундай асарларнинг битта тўпламда жамланиши эса кимдир уларни ўқиб ўрганиши, тарқатиши, иқтибос келтириши, таълим беришда фойдаланиши ва мавжуд адабий қонунлар ҳамда маънавий мероснинг келажак авлодга ўтишини кафолатлаган.

Араб адабиётида антология жанри хусусида тадқиқот олиб борган араб олими Билал Орфалий тазкиранинг қуйидаги ўн турини кўрсатиб ўтган¹⁴:

- 1) *шакл билан боғлиқ поэтик антология;*
- 2) *энциклопедик яъни қомусий антология;*
- 3) *мавзу ва мотивли антология;*
- 4) *қиёслашга асосланган яъни қиёсий антологиялар;*
- 5) *моно тематик яъни бир мавзули антологиялар;*
- 6) *географик антологиялар;*
- 7) *музиқий антологиялар;*
- 8) *нутқ шакллари билан боғлиқ антологиялар;*
- 9) *хронологик биографик антологиялар;*
- 10) *маълум бир ижодкорнинг асарлари учун тузилган антология.*

Бизнингча, бу таснифни шартли дейиш ўринли, бўлади, чунки муайян бир антология бир вақтнинг ўзида юқорида санаб ўтилган бир неча турга мансуб бўлишини кузатдик. Масалан, биз ўрганаётган «Канзу-л-кутуб» шакл билан боғлиқ поэтик антология, мавзу ва мотивли антология, хронологик-биографик антологияга мисол бўла олади. Шу сабабли, Б.Орфалийнинг таснифига ўн биринчи яъни аралаш ёки қоришиқ тазкиралар турини қўшиш ўринлидир.

I бобнинг иккинчи фасли «Абу Мансур Саолибийнинг араб тазкиранавислиги ривожига қўшган ҳиссаси» деб номланади. Унда Саолибийнинг илмий-адабий мероси, тазкира тузишда ўзига хос услуби масалалари, олим тазкираларининг мавзулар кўлами хусусида сўз боради.

Саолибий номини ханузгача машҳур бўлишига асосий сабаблардан бири бу унинг адабий тазкираларидир. Саолибий араб адабиётида тазкира жанрининг тўла шаклланиши ва турли кўринишларда ривожланиши учун салмоқли ва муҳим ижодий изланишларни амалга оширди ҳамда тазкирачиликка қуйидаги янгиликларни киритди:

¹⁴ Orfali B, A Sketch Map of Arabic Poetry Anthologies up to the Fall of Baghdad, Journal of Arabic Literature 43 (2012) Brill NV, Leiden, 2012. P. 38-59.

биринчидан, тазкира тузишда аниқ бир мақсадни кўзда тутди ва буни ҳар бир тазкиранинг муқаддима қисмида алоҳида таъкидлаб ўтди;

иккинчидан, тазкирада шоирларни географик ҳудудлар бўйича алоҳида ажратиб кўрсатди;

учинчидан, хронологик тартибга риоя қилди, яъни асарларида ижодкорларни яшаб ўтган даври бўйича кетма-кетликда жойлаштирди;

тўртинчидан, Саолибийгача бўлган анъанага кўра, фақат аввалги ўтган шоирлар бўйича тўпламлар тузилган эди, у араб адабиётида илк бор турли ҳудудларда яшаб ижод қилувчи замондош ижодкорларга бағишланган тазкира муаллифига айланди,

бешинчидан, Саолибий тазкира тузишда макон, замон омиллари билан бирга мавзуй бўлинишни олиб кирди. Яъни, ижодкорларни маълум бир мавзу атрофида бирлаштирди.

Саолибий илмий меросида тазкира типдаги 10 дан ортиқ асарлар мавжуд. Уларни мазмунан икки турга бўлиш мумкин:

1) *биографик тазкиралар*;

2) *поэтик тазкиралар*.

Олим «Йатимату-д-даҳр», «Татиммату-л-Йатима» каби биографик тазкираларида маълум ижодкорнинг таржимаи ҳолига оид қисқача тафсилотлар билан бирга ижодидан энг сара намуналарни тақдим этган. Иккинчи турга мансуб поэтик тазкиралар эса маълум адабий эҳтиёжга жавоб тариқасида ёзилган ва одатда муайян мавзулар бўйича машҳур шоир ва адибларнинг шеърӣ ва насрий асарларидан парчалар, баъзан, Қуръони карим, ҳадиси шарифлардан иқтибослар келтирилган. Масалан, тадқиқот объектимиз бўлган «Канзу-л-кутуб» ёки «Китаб ат-тамсил ва-л-муҳодарат» тазкиралари расаил яъни мактублар ёзишда фойдаланиш учун махсус тузилган.

Бобнинг «Абу Мансур Саолибий тазкираларининг ўрганилиши» номли учинчи фаслида жаҳон адабиёти тарихида Саолибий ва унинг адабий фаолиятига бағишланган тадқиқотларни уч босқичга бўлиб ўрганилган. Бу хусусда Авторефератнинг Кириш қисмида тўхталиб ўтганимиз боис, мазкур ўринда Саолибий ижоди бўйича араб олимлари томонидан олиб борилган энг йирик икки тадқиқотга эътибор қаратишни лозим топдик.

Араб адабиётшунослигида Саолибий ижодини монографик ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан айниқса, сермаҳсул бўлди. Бу борада ироқлик олим Абдуллоҳ ал-Жадирнинг «Саолибий. Ноқид ва адиб»¹⁵ ҳамда фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «Хоразм диёрида араб адабиёти»¹⁶ китоблари салмоқли тадқиқотлардир. Абдуллоҳ Жадир ўз тадқиқотида биринчи марта Саолибийнинг шахсияти, таржимаи ҳоли, илмий меросига оид тарихий далилларга асосланган батафсил маълумотларни тақдим этди. Шу боис, Жадирдан кейинги саолибийшунос араб олимлари унинг илмий хулосалари ва маълумотларидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «Хоразм диёрида араб адабиёти» монографияси нафақат Саолибий ижоди ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади,

¹⁵ الجادر محمد عبد الله. الثعالبي ناقداً وأديباً. بغداد، دار الرسالة، 1976.
¹⁶ هند حسين طه. الادب العربي في إقليم خوارزم (منذ الفتح العربي (93هـ) حتى سقوط الدولة الخوارزمية) بغداد: وزارة الاعلام، 1976.

балки, Хоразмнинг беш асрлик (712-1230) адабий-тарихий, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий қиёфасини араб олимасининг нигоҳи билан кўришга имкон беради.

Диссертациянинг II боби «**Канзу-л-куттаб» тазкирасининг қўлёзма нусхалари ва уларнинг текстологик тадқиқи»** деб номланади. Биринчи фаслда «Канзу-л-куттаб» тазкираси қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрининг илмий тавсифи ёритилган. Мазкур диссертация мавзуси тасдиқланган вақтда ихтиёримизда «Канзу-л-куттаб»нинг Тошкент қўлёзмаси ва Искандария тошбосмаси мавжуд бўлиб, изланишларимиз натижасида асарнинг дунё маънавий хазиналарида сақланувчи яна 5 та қўлёзмасини аниқладик. Булар:

1. Австрия миллий кутубхонаси (Österreichischen Nationalbibliothek) даги N. F. 43 рақамли қўлёзма;

2. Франция миллий кутубхонаси (Bibliothèque nationale de France) даги Arabe 3307 рақамли қўлёзма;

3. Миср китоблар уйи (دار الكتب المصرية) даги 4386 рақамли қўлёзма;

4. Қирол Сауд университети (جامعة الملك سعود (جامعة الرياض)) даги 3046 рақамли қўлёзма;

5. Туркия миллий жамоат кутубхонаси (Millet genel kütüphanesi) фондидаги 1747 рақамли қўлёзма.

Мазкур беш қўлёзмадан фақатгина Австрия ҳамда Франция миллий кутубхоналаридаги нусхаларининг электрон шаклини олишга муваффақ бўлинди ва улар илк марта тадқиқот манбаи сифатида илмий истифодага киритилди. Шундай қилиб, мазкур тадқиқотга «Канзу-л-куттаб»нинг Тошкент, Вена, Париж қўлёзмалари ҳамда Искандария тошбосма нусхалари жалб этилиб, манбалар монографик тавсиф қилинди. Бу жараёнда ҳар бир қўлёзмани қуйидаги икки мезон асосида тавсифладик:

1) *қўлёзманинг илмий хусусиятлари;*

2) *қўлёзманинг китобат хусусиятлари.*

Бунда асар номи, муаллифи, бошланиши ва охири, таркибий тузилиши, матннинг тўлиқлиги, нусхани кўчирган котиб, кўчирилган йили ва ўрни, шунингдек, бошқа каталоглардаги тавсифлари *қўлёзманинг илмий хусусиятлари* сифатида қайд этилди.

Китобат хусусиятларининг тавсифида эса қўлёзма нусханинг ўлчами, варақлар сони, муқоваси, қоғози, сиёҳи, ёзув тури, муҳр ёки безаклари, сатрлар сони, пойгирларнинг қўйилиши, сақланиш ҳолати каби ташқи белгилари баён этилди.

Асарнинг Париж қўлёзмаси XVII (1624) асрда, Тошкент қўлёзмаси XVIII (1727) асрда ҳамда Вена қўлёзмаси XIX (1830) асрда кўчирилган. Афсуски, изланишларимиз натижасида асарнинг муаллиф дастхати нусхасини топишга муваффақ бўлмадик, балки мазкур нусханинг ўзи бизгача етиб келмагандир.

II Бобнинг иккинчи фасли «Канзу-л-куттаб»нинг йиғма-қиёсий матнини яратиш принциплари» деб номланади.

Асарнинг йиғма матнини тузишда таянч нусха танлашга алоҳида масъулият билан қарадик. Чунончи, «Канзу-л-куттаб»нинг Тошкент қўлёзмаси қуйидаги хусусиятларига кўра таянч нусха бўлишга муносибдир:

биринчидан, унинг матни ихтиёримиздаги бошқа манбалардан кўра тўлиқ, байтларда мантикий, мазмуний изчиллик мавжуд;

иккинчидан, манба кўчирилишида маъновий ва имловий хатолар жуда кам, буни келтирилган шоирларнинг девони ва бошқа ёрдамчи манбалар билан солиштириш жараёнида яққол кузатдик;

учинчидан, мазкур қўлёзма яхши ҳолатда сақланган, манба ташқи нуқсонлардан бутунлай холи. Унга бирор шикаст етмаган.

Йиғма-қийёсий матн тузишда устоз матншуносларимиз, хусусан, профессор Қосимжон Содиковнинг йиғма-чоғиштирма матн тузиш принципларидан унумли фойдаландик ва қуйидагича ўз принципларимизни ишлаб чиқдик. Бунда чап томондан биринчи устундаги Т, W, P, I ҳарфлари асар қўлёзмалари ва тошбосмасининг шартли белгиси, яъни манбалар сақланаётган шаҳарларнинг лотин алифбосидаги бош ҳарфлари, рақамлар эса саҳифалар кўрсаткичидир. Ўнг томонда қавс ичида берилган рақамлар шеър сатрлари(мисралари)ни кўрсатади. Матн ичида маълум сўзлар тепасига қўйилган рақамлар ва айрим белгилар таянч ва ёрдамчи нусхалардаги ўзаро фарқларга ишора қилади. Уларнинг изоҳи сатр остида матн аппаратида бериб борилди. Шунингдек, шоирнинг исми келтирилган қаторнинг чап томонига шеърнинг аруздаги баҳри ҳам кўрсатиб борилган:

T₂₈₆, W₃₆, P₃₆, I₈ الباب الأول في الخط والكتابة والبلاغة نظماً

البحثري الخفيف

- | | |
|---------------------------|--------------------------------|
| ما شك امرؤ انه نظام فريد، | (1) في نظام من البلاغة |
| هجنت شعر جرول ولييد | (2) ومعان لوفصلتها القوافي |
| وتجنين ظلمة التعقيد | (3) حزن مستعمل الكلام اختياراً |
| به غاية المراد البعيد | (4) وركبن اللفظ القريب فأ دركن |

Диссертациянинг учинчи боби «Канзу-л-куттаб» адабий манба сифатида» деб номланган бўлиб, икки фаслдан ташкил топган. «Канзу-л-куттаб» тазкирасининг таркибий тузилиши ва бадиий хусусиятлари» номли биринчи фаслда асарнинг мавзуй жиҳатдан 15 бобга бўлингани, бобларда келтирилган шеъринг парчалар араб мумтоз адабиётининг мадҳ, насиб, фахр, ҳикма, ҳижо, шиква, рисо каби ўнлаб жанрларига оидлиги, уларда ташбех, истиора, тазод, тамсил, тажнис сингари сўз санъатлари қўллангани таҳлиллар орқали очиб берилган.

«Канзу-л-куттаб» тазкирасининг муқаддимаси ўрта аср ижод одоби анъаналарига мувофиқ Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар алайҳиссаломга саловот билан бошланади. Сўнгра сабаби таълиф, яъни китобнинг ёзилиш сабаби баён этилган:

...فإن هذا الكتاب أودعته من جيد الشعر ومحكمه وأمثاله وحكمه، وقلائده و فرائده و شوارده و فوارده، للجاهليين والمخضرمين والمتقدمين من الإسلاميين والمحدثين، المولدين، العصريين، ما يخرط في سلك الرسائل والمخاطبات، ويندرج في أثناء الإخوانيات والسلطانيات، ويستعان به في سائر أنواع المكاتبات... (КК.Т, 27 а¹⁷)

¹⁷ КК.Т. – «Канзу-л-куттаб» асарининг Тошкент қўлёзма нусхаси, бундан кейинги ўринларда шу тарзда берилади.

«... Мен бу китобга хитобалар ва мактубларга [бадий] зеб беришда фойдаланиш учун исломдан олдинги(жоҳилий)даври, исломгача бўлган даврнинг охири ва исломнинг бошларида яшаган, ислом даврининг етакчи шоирлари, янгиланиш даври, анъанага қайтиш даври ҳамда замондош шоирларнинг энг фасоҳатли, гўзал шеърларини, ҳикматли сўзлар ва мақолларни, латиф иборалардан иборат дурдоналарни тизиб чиқдим. Улар [котибларга] ихваният–биродарлик номалари ва султоният–расмий мактублар ёзишда кўмак беради, яна улардан ёзишмаларнинг барча турларида фойдаланиш мумкин». Муаллиф мақсадидан аёнки, мазкур тазкира ўрта асрларда давлат бошқарувида муҳим мавқега эга бўлган девонхона котиблари учун махсус қўлланма сифатида ёзилган. Муаллиф котибларнинг сермашаққат ва масъулиятли фаолиятида ижтимоий, сиёсий ва маиший ҳаётнинг ҳар бир воқелигига бадий таъриф топа билиши муҳимлигини ҳисобга олиб, мазкур асарини қуйидаги 15 бобга ажратган ва ҳар бир бобнинг мавзусига мос равишда шеърӣ парчалар келтирган:

1. في الخطّ و الكتابة و البلاغة نظماً - Хат ёзиш, ёзиш санъати ва назмдаги балоғат [нотиклик] ҳақида;

2. في التهانيء و التهادي و ما يجري مجراها - Табриклаш, ҳадялар бериш, улар билан боғлиқ маросимлар ҳақида;

3. في التعازي و المرثي و ما يتصل بها - Таъзия, марсия ва уларга тегишли нарсалар ҳақида;

4. في مكارم الاخلاق و المديح و نحوهما - Олижаноб хулқ, мадҳ этиш ва шуларга ўхшашлар ҳақида;

5. في الاستماعة و الشفاعة و الهزّ و الاستعانة - Илтимос қилиш, шафоат ва ёрдам сўраш ҳақида;

6. في الشكر و الثناء و ما يقاربهما - Шукур айтиш, олқиш, мақтов, миннатдорчилик ва шуларга яқин нарсалар ҳақида;

7. في الاعتذارات و المعاتبات و الاستعطاف - Кўнгилга яқин олиш, таъна қилиш ва узр сўраш ҳақида;

8. في الهجاء و الذم و ذكر المقابح - Ҳажв қилиш, гина қилиш ҳамда ёмон жиҳатларини эслаш ҳақида;

9. في شكوي الزمان و الحال - Замондан ва ўз аҳволидан шикоят қилиш ҳақида;

10. في الامثال و الحكم و الآداب - Мақоллар, ҳикматли сўзлар ва ақл-одоб ҳақида;

11. في الاخوانيات و الاشواق - Ихваният(биродарлик ёзишмалари) ва соғиниш ҳақида;

12. في السلطانيات و ما يليق بها - Султоният(расмий ёзишмалар) ва унга яқин нарсалар ҳақида;

13. في النكبة و الحبس و الاطلاق - Ҳибсга тушиш, бахтсизликка йўлиқиш ва улардан халос бўлиш ҳақида;

14. في العيادة ما ينضاف اليها - Зиёрат қилиш ва унга боғлиқ нарсалар ҳақида;

15. في الادعية و ما يقترن بها - Дуолар ва унга яқин нарсалар ҳақида.

Кўриниб турибдики, Саолибий асарни бобларга ажратишда эпистоляр жанрда фойдаланиши ҳамиша долзарб ва муҳим бўлган мавзуларни танлаган. Мазкур мавзулар нафақат асар ёзилган давр, балки бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда

ҳар қандай мазмундаги ёзишмада бадийликка катта урғу берилар, мактубда, албатта, шеърӣ парча бўлиши, сажъдан унумли фойдаланиш муҳим мезонлардан эди. Фикримизни «Канзу-л-куттаб»да Абу-л Фатҳ ал-Бустий¹⁸дан келтирилган қуйидаги парчалар ҳам тасдиқлайди:

عن كل برّ وفضل غير محدود لما أتاني كتابُمنك مبتسمٌ
آثارك البيض في احوالي السود حكت معانيه في اثناء اسطره

